

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## ХОРИЖИЙ ДИНИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ ОЛИШ УЧУН ҚЎШИМЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА

«Таълим түғрисида»ги ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар түғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари түғрисида» 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон Фармони талабларини бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий диний таълим муассасаларида таълим олишлари учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаси қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита хузурида жамоатчилик асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий диний таълим муассасаларида таълим олишига қўмаклашиш бўйича маслаҳат кенгашини (кейинги ўринларда Маслаҳат кенгаши деб аталади) ташкил этиш түғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий диний таълим муассасаларида таълим олишга бўлган эҳтиёжини қондириш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий диний таълим муассасаларига хужжатлар топшириши, таълим олиши ва таълим муассасаларини тугатганидан кейин иш билан таъминланиши юзасидан уларга тавсиялар бериш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий диний таълим муассасаларига хужжатлар топшириши, таълим олиши ва таълим муассасаларини тугатганидан кейин иш билан таъминланиши юзасидан уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий диний таълим муассасаларида таълим олиши учун тавсия этиладиган таълим муассасаларининг ҳар йиллик рўйхатини шакллантиришда иштирок этиш;

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг жойлардаги вакилларлари билан ҳамкорликда фуқароларга хорижий диний таълим муассасаларида таълим олиш бўйича маълумотлар бериш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига уларнинг хорижий диний таълим муассасаларида таълим олишига амалий ёрдам қўрсатишда иштирок этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва Ташқи ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий диний таълим муассасаларида таълим олиши учун тавсия этиладиган таълим муассасалари рўйхатини ҳар йили 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқлаш тартибини жорий этиш түғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита бир ой муддатда Маслаҳат кенгаши таркибини ҳамда Маслаҳат кенгаши түғрисида низомни тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар хорижий

диний таълим муассасаларида таълим олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тўғрисида маълумотлар базасини шакллантирисин ва унинг доимий равишда янгила борилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диний таълим олаётган ҳамда ўкишга кириш учун хужжат топшираётган хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ўрнатиш, шунингдек, ўзаро тизимли маълумот алмашинувини йўлга қўйишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда ҳар йиллик режага асосан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диний таълим олаётган хорижий давлатлардаги элчихоналар ва консулликлар орқали мазкур давлатлардаги таълим муассасаларида диний таълим олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан доимий ҳамкорлик олиб бориш ва уларга ҳар томонлама қўмаклашиш, хорижий мамлакатлардаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларига давлатимизнинг тинчликсевар сиёсати, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш борасида Ўзбекистоннинг мақсад ва вазифаларини, шунингдек, бугунги кунда мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида эришилаётган муваффақиятларни кенг тарғиб қилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳар йили Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий диний таълим муассасаларида таълим олиши тавсия этиладиган таълим муассасалари рўйхати тасдиқланганидан кейин мазкур рўйхат оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши ҳамда кенг жамоатчилик эътиборига етказилишини, шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг жойлардаги вакилликлари билан ҳамкорликда жойларда тадбирлар ўтказиб, фуқароларга хорижий диний таълим муассасаларида таълим олиш бўйича маълумотлар берилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг жойлардаги вакилликлари, диний таълим муассасалари ва масжидларга ўзларининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтларида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий диний таълим муассасаларида таълим олиши бўйича тавсиялар, маълумотларни жойлаштириб бориш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Зиё» медиа маркази ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур қарорнинг мазмун ва моҳиятини очиб берувчи телекўрсатувлар ҳамда радиоэшиттиришлар тайёрлаш ва мақолалар чоп этиш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Ж.К. Ақрамов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 13 август,  
651-сон